

3 сектор рахбари томонидан Пробация ҳисобидаги шахслар билан йиғилиш ўтказилди



Шеробод туман ички ишлар бўлими бошлиғи Н.Нарзуллаев ва маъсул раҳбарлар томонидан пробация гуруҳи ҳисобида турувчи назорат остидаги шахслар билан йиғилиш ўтказилди. Унда назорат остидаги шахслар томонидан қонунга итоаткорлик руҳида ўташ, уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, қайта жиноят содир этмаслик ҳамда жамиятда ўз ўринларини топишларига зарур кўникмалар тушунтирилди.

Шу билан бир қаторда ҳозирги вақтда вилоятимизда ўтказилаётган “Киберхавфсизлик ойлиги” доирасида турли ижтимоий тармоқлар орқали фуқароларнинг ишончига кириб уларнинг пластик карталаридаги пулларини ечиб олиш ҳолатлари кўпайганлиги сабабли пробация ҳисобидаги назорат остидаги шахсларга ушбу ҳолатлардан огоҳ бўлишлари ҳамда маъсул раҳбарлар томонидан турли хилдаги буклетлар тарқатилди.